ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Темирова Гулсара Тўлқин қизи
мустақил изланувчи

Сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши замонавий жамиятни ўзгартиришнинг энг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Дастлаб сунъий интеллектнинг қўлланилиши асосан саноат, иқтисодиёт, тиббиёт ва ахборот технологиялари билан боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирда унинг таъсири давлат бошқаруви, оммавий ахборот воситалари, таълим, ижтимоий коммуникациялар ва сиёсий соҳаларга тарқалмоқда. Айниқса, сиёсий жараённинг энг муҳим субъектлари бўлган, фуқаролар билан бевосита мулоқотда бўладиган ва жамоатчилик манфаатларини ифода этадиган **сиёсий партиялар** фаолияти учун бу жараён алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, сунъий интеллектни сиёсий партиялар фаолиятида қўлланилиши сиёсий жараёнларнинг анъанавий шаклларини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Бир томондан, партиялар катта ҳажмдаги маълумотларни тезроқ таҳлил қилиш, ижтимоий муаммоларни аниқлаш, сайловчилар билан мулоқотни такомиллаштириш ва ташкилий ишлар самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўладилар. Бошқа томондан, сунъий интеллектдан фойдаланиш сиёсий рақобат учун янги таҳдидларни келтириб чиқаради, чунки алгоритмик тизимлар жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш, нотўғри маълумот тарқатиш, сунъий сиёсий контент яратиш ва сайловчиларнинг хатти-ҳаракатларига шаффоф бўлмаган таъсир кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин.

Бу борада халқаро тадқиқотлар сунъий интеллектни демократик жараёнларни бир вақтнинг ўзида ҳам мустаҳкамлайдиган, ҳам заифлаштирадиган омил сифатида кўриб чиқмоқда. Хусусан, UNESCO сунъий интеллект қарор қабул қилиш, ахборот олиш, сўз эркинлиги, махфийлик, камситмаслик ва демократик институтларга таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Шу билан бирга, шаффофлик, адолат, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва технологик тизимлар устидан инсон назоратини сақлаб қолиш сунъий интеллектдан масъулиятли фойдаланишнинг энг муҳим тамойиллари сифатида қайд этилган[1].

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда мамлакат тараққиётининг янги босқичига мос равишда барча соҳа ва тармоқларда кенг кўламли демократик ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда **сиёсий партиялар**нинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда фуқаролар билан самарали мулоқот қилиш механизмларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, сиёсий партияларнинг жамиятдаги таъсири нафақат уларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштироки, балки аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ўрганиш, уларни сиёсий дастур ва ташаббусларда ифодалаш ҳамда фуқаролар билан доимий ва самарали мулоқот ўрнатиш қобилияти билан ҳам белгиланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг **"ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир**

[1] Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence. Printed by UNESCO, France. Adopted on 23 November 2021 – P. 25-30 // https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000381137 (мурожаат этилган сана: 10.09.2026)

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади" [2], деган фикри сиёсий партиялар фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш заруратини яққол ифодалайди. Дарҳақиқат, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг жадал ўзгариши, рақамлаштиришнинг кенгайиши ва фуқароларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражасининг ортиши сиёсий партиялардан ҳам янги ёндашув ва инновацион механизмларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий партияларининг фаолиятида сунъий интеллектни жорий этишили қуйидаги ижобий жиҳатларга олиб келиши мумкин:

- жамоатчилик фикрини таҳлил қилиш жараёнларини осонлаштиради – замонавий сунъий интеллект алгоритмлари ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари, интернет форумлари, электрон платформалар ва бошқа рақамли манбаларда шаклланаётган катта ҳажмдаги маълумотларни қисқа вақт ичида қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини беради[3]. Сиёсий партиялар мазкур технологиялардан фойдаланиш орқали аҳоли учун энг долзарб бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни аниқлаш, фуқароларнинг муайян сиёсий ташаббуслар ва қарорларга муносабатини ўрганиш, шунингдек, жамоатчилик кайфиятидаги ўзгаришларни мониторинг қилиш имкониятига эга бўлади. Бундай ёндашув жамоатчилик фикрини муайян вақт оралиғида ўтказиладиган анъанавий социологик тадқиқотлар асосида ўрганишдан ижтимоий-сиёсий жараёнларни узлуксиз ва тизимли мониторинг қилиш моделига босқичма-босқич ўтиш имконини яратади. Шу билан бирга, сунъий интеллект фуқароларнинг мурожаатларини мазмун ва мавзусига кўра автоматик таснифлаш, уларда такрорланаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда мазкур муаммоларнинг ҳудудий хусусиятларини таҳлил қилишда муҳим восита бўлиши мумкин. Масалан, сиёсий партиялар ушбу технологиялар ёрдамида турли ҳудудлардан келиб тушаётган мурожаатларни умумлаштириб, муайян муаммоларнинг қайси ҳудудларда кўпроқ учраётганини аниқлаши ва улар асосида ўзининг сиёсий ташаббуслари ҳамда жамоатчилик билан ишлаш стратегияларини такомиллаштириши мумкин.

- сунъий интеллект сиёсий мулоқот самарадорлиги ва тезкорлигини оширади – генератив сунъий интеллект тизимлари ахборот материаллари, таҳлилий маълумотномалар, сиёсий нутқлар, оммавий ахборот воситалари учун материаллар ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига жавобларни тайёрлаш жараёнида партияларга амалий кўмак кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, сунъий интеллект асосидаги чат-ботлар ва рақамли ассистентлар фуқароларнинг савол ва мурожаатларига тезкор жавоб бериш, уларни тегишли партиявий тузилмаларга йўналтириш ҳамда фуқаролар билан узлуксиз мулоқотни таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Шу тариқа, сунъий интеллектдан оқилона ва масъулиятли фойдаланиш сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқаларини янада очиқ, тезкор ва интерактив шаклга олиб чиқиши мумкин.

- сайловолди кампаниялар самарадорлигини ошириш имконини беради – сунъий интеллект технологиялари сайлов жараёнларига оид катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш, сайловчиларнинг турли ижтимоий-демографик ва ҳудудий гуруҳларини аниқлаш,

[2] Сиёсий партиялар демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашувдаги нутқи. 22.08.2019 // https://president.uz/uz/2819 (мурожаат этилган сана: 25.08.2026)

[3] Parschan P., Jakob C. Computational Measurement of Political Positions: A Review of Text-Based Ideal Point Estimation Algorithms. 2025 // https://www.researchgate.net/publication/397701951_Computational_Measurement_of_Political_Positions_A_Review_of_Text-Based_Ideal_Point_Estimation_Algorithms (мурожаат этилган сана: 15.09.2026)

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

шунингдек, уларнинг муайян сиёсий масалалар ва хабарларга эҳтимолий муносабатини прогноз қилиш имконини беради. Бу эса сиёсий партияларга сайловчиларнинг эҳтиёж ва манфаатларини чуқурроқ ўрганиш, сайловолди тарғибот дастурлари мазмунини такомиллаштириш ҳамда мулоқот (коммуникация) стратегияларини мақсадли равишда шакллантириш имкониятини яратади. Халқаро амалиёт ҳам сиёсий партиялар томонидан рақамли технологиялар, катта маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллект воситаларидан сайлов кампанияларини режалаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тобора кенгроқ фойдаланилаётганини кўрсатмоқда. Европа Кенгашининг таъкидлашича, "сунъий интеллектнинг ривожланиши сиёсий субъектларга жамоатчилик кайфиятини таҳлил қилиш, сайловчилар билан мулоқотни такомиллаштириш ва кампанияларни янада самарали ташкил этиш учун янги имкониятлар яратади. Бироқ мазкур технологияларнинг сиёсий жараёнларда қўлланилиши сайловчиларни манипуляция қилиш, уларга индивидуаллаштирилган ва бир томонлама сиёсий ахборот етказиш, шунингдек, алгоритмлар орқали жамоатчилик фикрига яширин таъсир кўрсатиш каби хавфларни ҳам юзага келтириши мумкин"[4]. Шу сабабли сунъий интеллектдан сайловолди кампанияларда фойдаланишда шаффофлик, ахборотнинг ишончлилиги, сайловчиларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва сиёсий рақобат субъектларининг тенглиги каби тамойилларга қатъий риоя этиш муҳим аҳамият касб этади.

- **партияларнинг ички фаолиятини тизимлаштириш ва бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилади** – сунъий интеллект алгоритмлари партия аъзоларининг таклиф ва ташаббусларини тизимлаштириш, партия тадбирлари натижаларини таҳлил қилиш, ҳужжат айланишини автоматлаштириш, зарур ахборотни тезкор излаш ва қайта ишлаш имконини беради. Бу, айниқса, марказий аппарат ҳамда кўп сонли ҳудудий бўлинмалардан иборат йирик партия ташкилотлари учун муҳим аҳамият касб этиб, улар ўртасида ахборот алмашинуви ва иш жараёнларини мувофиқлаштиришни енгиллаштиради. Шунингдек, сунъий интеллект партия аъзоларининг фаоллиги ва иштирокини таҳлил қилиш, турли тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда мавжуд ташкилий муаммоларни аниқлашда қўшимча таҳлилий восита вазифасини бажариши мумкин. Натижада партия ички бошқарув жараёнларини янада тезкор, тизимли ва маълумотларга асосланган тарзда ташкил этиш ҳамда раҳбариятнинг қарор қабул қилиш жараёнини таҳлилий маълумотлар билан бойитиш имкониятини оширади.

- **партия дастурларини ишлаб чиқишни интеллектуал жиҳатдан қўллаб-қувватлайди** – сунъий интеллект технологиялари статистик маълумотлар, социологик сўровлар, илмий тадқиқотлар, экспертлик хулосалари ва бошқа ахборот манбаларини комплекс таҳлил қилиш орқали жамиятдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва уларнинг асосий тенденцияларини белгилаш имконини беради. Бу сиёсий партияларга аҳоли эҳтиёж ва манфаатларини чуқурроқ ўрганиш, партия дастурларида устувор йўналишларни белгилаш ҳамда таклиф этилаётган сиёсий чора-тадбирларни мавжуд маълумотлар асосида асослаш имкониятини яратади. Шу маънода, сунъий интеллектдан фойдаланиш декларатив характердаги дастурий ёндашувдан далилларга асосланган (evidence-based) сиёсат ишлаб чиқиш моделига ўтишга

[4] 19th European Conference of Electoral Management Bodies. "Artificial Intelligence and Electoral Integrity", 14-15 November 2022 // https://www.coe.int/en/web/electoral-management-bodies-conference/emb-2022 (мурожаат этилган сана: 5.09.2026)

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

кўмаклашиши мумкин[5]. Бундан ташқари, сунъий интеллект турли сиёсий ташаббусларнинг эҳтимолий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини моделлаштириш, муқобил сиёсий ечимларни таққослаш ва уларнинг самарадорлигини дастлабки босқичда баҳолаш учун қўшимча таҳлилий восита вазифасини бажаради. Натижада партия дастурлари нафақат сиёсий мақсад ва ғояларни, балки аниқ маълумотлар, жамоатчилик эҳтиёжлари ва таҳлилий прогнозларга асосланган амалий таклифларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Умуман олганда, сунъий интеллект аста-секин сиёсий фаолиятни ривожлантириш ва уни замонавий талаблар асосида такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланиш уларнинг жамоатчилик билан мулоқотини янги сифат босқичига олиб чиқиш, ички бошқарув самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг эҳтиёж ва манфаатларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнини таҳлилий маълумотларга асосланган ёндашувлар билан таъминлаш учун муҳим имкониятларни яраиши мумкин.

Қолаверса, сунъий интеллектдан фойдаланиш сиёсий партияларнинг фаолиятини фуқароларнинг реал эҳтиёж ва манфаатларига яқинлаштириш, сиёсий коммуникациянинг тезкорлиги ва манзиллилигини ошириш ҳамда далилларга асосланган сиёсий дастурларни шакллантиришга хизмат қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда сунъий интеллектни сиёсий партиялар фаолиятига жорий этиш рақамли трансформациянинг навбатдаги босқичи сифатида эмас, балки сиёсий институтларнинг замонавий жамият талабларига мослашувини таъминловчи муҳим омил сифатида қаралиши лозим.

[5] Crowley D., Wright J., Winters A., Jones D., Pugel J., O'Neill P., Shaw B., Hamel S., Long E., Donovan M., Scott T. A mixed-methods study of policymakers' adoption of AI to support use of research evidence: implications for Artificial Intelligence in prevention policy. Prevention Science. Vol. 27. 2026 // DOI: 10.1007/s11121-026-01925-z. (мурожаат этилган сана: 7.09.2026)

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.